



Zarafshon

Fidoyilik —
vatanga xizmat demak!

2022-yil 9-aprel, shanba,
41 (23.608)-son

КУН
ҲИКМАТИ

Ҳамма
билганимизни
кўришимиз
мумкин, аммо
ҳамма
кўрганимизни
билвермаймиз

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan



www.zarnews.uz | https://www.facebook.com/zarnews.uz | @zarnews_uz | https://twitter.com/zarnews_uz

ҲАР БИР МАСАЛА ПИШИҚ ВА АНИҚ БЎЛИШИ КЕРАК

8 апрель куни халқ депутатлари вилоят Кенгашининг олтинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияни Кенгаш раиси, вилоят ҳокими Э.Турдимов бошқарди.

Дастлаб, бир қатор масалалар бўйича Кенгаш қарорлари қабул қилинди. Жумладан, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг депутатлари ўрни бўшба қолган 29-Қорадарё ва 41-Мевали сайлов округларида 2022 йил 29 май куни сайлов ўтказилиши белгиланди.

Шунингдек, давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйиш бўйича тақдиротни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, вилоят ҳудудидида чегара зонаси ва чегара минтақасини тасдиқлаш, вилоят маҳаллий бюджетининг қўшимча манбаларидан фойдаланиш, вилоят "Саховат ва кўмак" жамғармаси маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Вилоят маҳаллий бюджетининг 2022 йил I чорак даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан, жумладан, Самарқанд давлат университетининг Каттақўрғон филиали фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида жалб этилган малакали профессор-ўқитувчиларни хизмат уйлари билан таъминлаш учун 1004,2 миллион сўм, ҳоким ёрдамчисининг ташаббуси билан Каттақўрғон шаҳридаги Ноқис маҳалласида кутубхона ташкил қилиш учун 50 миллион сўм, Самарқанд шаҳар марказининг ички кўчаларини таъмирлаш мақсадида зарур бўлган майда зарралар асфальт қопламаси қилиш учун 2 миллиард сўм маблағ ажратилган бўлди.

Шундан сўнг, вилоят ҳокимининг ўринбосари О.Хочилев ёшларга оид давлат сиёсатининг вилоятда амалга оширилишини рейтинг баҳолашнинг натижалари тўғрисида ҳисобот берди.

Олий Мажлис Сенатининг 2021 йил 31 июлдаги қарори билан ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳудудларда амалга оширилиши бўйича рейтинг тизими жорий этилган. Унда ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ёшлар соғлигини сақлаш, ногиронлиги бўлган, ота-она қарамоғидан маҳрум ва етим болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш каби 9 йўналишда 44 та банддан иборат устувор вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар ижроси тегишли бошқармалар, шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан таъминлаб келинаётгани таъкидланди. Шу билан бирга, айрим муаммо ва камчиликларга йўл қўйилгани кайд этилиб, уларни бартараф этиш чоралари белгиланди.

Кун тартибидидаги навбатдаги масала – вилоятда хизматлар соҳасини

ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси бошлиғи биринчи ўринбосари Д.Шакарбоевнинг ҳисоботи эшитилди.

Ҳисоботда келтирилишича, жорий йилда вилоятда хизматлар соҳасини ривожлантириш мақсадида 12,6 триллион сўмлик 8,3 мингдан ортиқ йирик ва кичик лойиҳаларни амалга ошириш ва 214 мингдан ортиқ иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Амалга оширилаётган ишлар натижасида жорий йилнинг биринчи чорагида жами хизматлар ҳажми 5,3 триллион сўмни ташкил этиши кутилмоқда. Мазкур соҳада 47,6 минг нафар фуқаронинг бандлиги таъминланиб, бу борада белгиланган режа 110 фоизга бажарилди. Жумладан, маҳаллаларда 21 турдаги ва туманларда 71 турдаги энг зарурий хизматлар бўйича 2835 та шохобча ташкил этилди.

Аммо айрим ҳудудларда хизматлар соҳасини ривожлантириш, мазкур тармоқда аҳоли бандлигини таъминлашга етарли даражада эътибор қаратилмаётгани кайд этилди.

Масалан, савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини ташкил этиш мақсадида 2020-2021 йилларда вилоят бўйича умумий майдони 12,5 гектар бўлган 1336 та ер участкаси аукцион савдолирида тадбиркорларга сотилган. Афсуски, ўрганиш жараёнида 112 та ер участкасида (4,7 гектар) бугунги кунга қадар қурилиш ишлари бошланмаган. Жумладан, Пайариқда 50 та, Паст Даргомда 20 та, Самарқанд шаҳрида 14 та, Самарқанд туманида 13 та ер участкасида лойиҳа бўйича ишларга киришилмаган.

Ҳисобот муҳокамаи давомида депутатлар ва мутасаддилар йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, лойиҳаларни фойдаланишга топшириш орқали белгиланган кўрсаткичларга эришиш юзасидан ўз фикрларини билдирди.

Депутатлар вилоят ҳокимлиги ижро-назорати гуруҳи раҳбари З.Раҳимовнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги "Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ижроси юзасидан ҳисоботини эшитдилар.

– Президентимизнинг қарор ва фармонлари ҳамда таширлари давомида

берган топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида Ijro.gov.uz тизими орқали вилоятимизга 1014 та ҳужжат асосида 7614 та топшириқ келиб тушган, – деди З.Раҳимов. – Бугунги кунда аксарият топшириқлар ижроси таъминланган. Аммо айримлари ўз вақтида ижрога қаратилмаган. Мисол учун, давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 11 майдаги қарори билан Булунгур туманидаги "Юқори нуқта" ИПХ ҳамда Ургут туманидаги "Омонқўтон" ИПХ стационар постларидан 22,0 минг метр квадрат ер майдонини тадбиркорлик субъектларига ажратиб бериш топшириғи мазкур туманлар ҳокимларининг инвестиция бўйича ўринбосарлари томонидан ҳалигача бажарилмаган. Президентимизнинг 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сонли қарори билан хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари асосида халқ таълими тизимидаги 55 нафар ўқитувчига замонавий адабиёт, дарслик ва ўқув қўлланмалар сотиб олиши учун белгиланган 1 миллион сўмдан пул маблағлари вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан тўлаб берилмаган.

Муҳокама чоғида топшириқларни ўз вақтида бажармаган масъуллар оғошлантирилиши ва кейинги сессияларда ушбу масала тегишли мутасаддилар иштирокида яна кўриб чиқилиши белгиланди.

Кун тартибидидаги навбатдаги масала – Нарпай тумани ҳокими вазифасини бажарувчи Ш.Раҳмонов ва сектор раҳбарларининг тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш даражасини баҳолашнинг рейтинг кўрсаткичларига кўра туман ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатини яхшилаш юзасидан амалий чора-тадбирлар дастурининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботи айрим сектор раҳбарлари йўқлиги сабабли кейинги сессияларда кўриладиган бўлди.

Тойлоқ туманида маҳаллабай ишлаш ва маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан туман маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш маркази раҳбари Ж.Турсуновнинг ҳисоботи ҳам депутатларни қониқтирмади. Марказларнинг ҳоким ёрдамчилари ишини тизимли ташкил этиш олмаётгани, айрим ёрдамчилар фаолиятида жиддий хато ва нуқсонларга йўл қўйилаётгани кайд этилди. Шу сабабли, барча туман ва шаҳар маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш марказлари ходимлари билан семинарлар ўтказиш зарурлиги таъкидланди.

Сессияда муҳокама этилган барча масалалар юзасидан Кенгашнинг қарорлари қабул қилинди.



"Yosh kitobxon" tanloving 15-19 yosh toifasi bo'yicha respublika bosqichi g'oliblari aniqlandi. Unda Bulung'ur tumanidagi 49-umumiy o'rta ta'lim maktabining 10-sinf o'quvchisi Marjona Tursunmurodova uchinchi o'rinni qo'lga kiritdi va 30 million so'm pul mukofoti bilan taqdirlandi.

➤ Президент қарорига кўра...

1 ФОИЗ МАБЛАҒ ПЕНСИОНЕР ҲИСОБИДАН ОЛИНМАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 апрелда имзоланган "Давлат пенсиялари, нафақалар, компенсациялар ва бошқа ижтимоий тўловларни тўлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига кўра, 2022 йил 1 майдан бошлаб:

"Темир дафтар", "Ёшлар дафтари" ва "Аёллар дафтари"га киритилган фуқароларга ва оилаларга тегишли жамғармалар маблағлари ҳисобидан кўрсатиладиган моддий ёрдамлар, меҳнат органлари томонидан тўланадиган ишсизлик нафақаси ва стипендиялар ҳамда жазони ўтаб озоликка чиққан фуқароларга тўланадиган

моддий ёрдам пуллари ҳар ойнинг 5-санасига қадар молиялаштирилади ҳамда пенсия ва нафақалар билан бир вақтда АТ "Халқ банки"нинг сайёр кассалари томонидан маҳаллаларга етказилади.

АТ "Халқ банки"нинг сайёр кассалари томонидан пенсия ва нафақалар ҳамда моддий ёрдам пуллари фуқароларга нақд пулда етказиб бериш хизматлари учун 1 фоиз миқдордаги хизмат ҳақи пенсия ва нафақа олувчилар томонидан эмас, давлат бюджетидан ҳисобидан тўланади.

Пенсия ва нафақани банк картаси орқали олувчиларга ҳар ойлик пенсия ва нафақа пулининг 1 фоизи миқдоридида қўшимча тўлов жорий

қилинади.

Бу орқали улар банккоматдан пуллари йўқотишларсиз нақдлаштириб олиши мумкин бўлади.

Халқ банкининг сайёр кассалари маҳаллаларга бориб, хоҳловчиларнинг пуллари нақдлаштириб беради.

Хориждан 1800 та банккомат олиб келиниб, асосан олис туманларда ўрнатилди.

Пенсия ва нафақа олувчиларга янада қулайлик яратиш мақсадида 2022 йил якунига қадар уларнинг маблағларини масофадан бошқариш имконини берувчи "Халқ банки"нинг янги мобил иловаси ишлаб чиқилади.

АХБОРОТ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ЁЗИШИЧА...

Иштихон тумани Бешбола маҳалласида 20 гектар майдонда "Яшил макон" лойиҳаси доирасида боғ ташкил этилмоқда.

Ургут туманидаги Бешёғоч, Мўғол, Қуйиқишлоқ, Ипакли, Юқори Тегана маҳаллаларида ижтимоий дафтларга киритилган, ишсиз 100 нафарга яқин фуқароларга субсидия асосида 120 килограмдан картошка уруғи берилди.

Паст Даргом туманидаги 19 та маҳаллада вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг 390 нафар малакали мутахассислари аҳолини тиббий кўриқдан ўтказди.

Самарқанд шаҳридаги "Олтин Аср" ва "Нодирабегим" маҳалла фуқаролар йиғинларининг давлат-хусусий шериклик асосида қурилган замонавий бинолари фойдаланишга топширилди.



Мажбурий ижро бюроси вилоят бошқармаси бошлиғи ўринбосари Фозил ФАЙЗИЕВ:

– Жорий йилнинг дастлабки уч ойида алимент тўловчи қарздорлардан 21 миллиард сўмдан ортиқ алимент пуллари ундирилиши таъминланди. Мутасадди идоралар билан ҳамкорликда олиб борилган профилактик суҳбатлар натижасида 1961 оила яраштирилди.

Маҳаллий ҳокимликлар, сектор раҳбарлари, бандлик ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда 640 нафар ишсиз алимент тўловчи ишга жойлаштирилди.

Ҳозирда вояга етмаганларнинг алимент пуллари ҳисоблаш ва тўлаш устида автоматлаштирилган назорат тизими йўлга қўйилган. Алиментларнинг ойма-ой, сўзсиз тўлаб борилишини онлайн назорат қилиш имконияти яратилди.

226 нафар қарздорларга нисбатан олиб борилган қидирув тадбирлари натижасида 154 нафари топилган. Алимент тўловларини тўлашдан мунтазам равишда бўйин товлаб келган 267 нафар қарздор маъмурий, 35 нафари жиноий жавобгарликка тортилди.

➤ Мигрантларга ёрдам

365 нафар меҳнат муҳожирини олиб келиш чораси кўриляпти

4 апрель куни Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг Москва шаҳридаги ваколатхонаси ходимлари ва вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари иштирокида Россия Федерациясидаги "СУ-10", "Монотек" компанияларида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган меҳнат мигрантлари билан онлайн мулоқот ташкил этилди.

Мулоқотда юртдошларимизнинг яшаш ва иш шaroитлари, кредит, тегишли гувоҳномалар олган ҳолда малака ошириш имкониятлари сингари долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Бугунги кунда яна бир жиҳатни эътиборга олиш муҳим. Яъни, меҳнат муҳожирларнинг қарамоғида бўлган шахсларнинг ижтимоий ҳимояси, уларни қўллаб-қувватлаш назарда тутилган. Бу бўйича 1 март куни Президентимиз томонидан "Хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ва уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарор имзоланди. Унга кўра, 2022 йил 1 июндан Россия Федерацияси, Туркия ҳамда Қозоғистоннинг тегишли ҳудудларида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг вакиллик институти жорий қилинади.



Ушбу қарор билан 2022 йил 1 майдан боқувчиси хорижда ишлашга кетган ва "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" рўйхатида турган, ҳоким ёрдамчиларининг ёзма тавсияномасига асосан фуқароларга ҳар йили 540 минг сўмдан бир марталик ёрдам берилади. Ногиронлиги бўлган оила аъзоларига дори-дармон, ногиронлик араваси, эшитиш аппарати ва ортопедик маҳсулотлар харид қилиш учун 1,3 миллион сўмдан ёрдам кўрсатилади. Қолаверса, "дафтар"лардан бирига киритилган ва ташкил-

лаштирилган меҳнат миграцияси билан ишлашга кетганларга 10 миллион сўмгача микроқарз тақдим этилади.

Бугунги кунда ҳоким ёрдамчилари ва профилактика инспекторлари томонидан хорижда бўлган 160 мингга яқин самарқандлик меҳнат муҳожирининг тўлиқ рўйхати шакллантирилди. Уларнинг оила аъзолари билан суҳбатлар ўтказилиб, шароити, муаммолари ўрганилди.

Хусусан, уларнинг 340 нафари ҳужжатларида муаммоси борлиги, 332 нафари ишсиз қолгани ва иш ҳақи ололмаётгани, 424 нафарининг доимий яшаш жойи йўқлиги, 365 нафари эса маблағи етарли эмаслиги сабабли юртимизга қайтолмаяпти. Маблағи йўқлиги боис қайта олмаётган фуқароларни "дафтар"лардан бирига киритиб, олиб келиш чоралари кўриляпти.

Вазирлар Маҳкамасининг топшириғига мувофиқ, жорий йилнинг 5 апрель куни вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари раҳбарлигидаги гуруҳ Россия Федерациясининг Санкт-Петербург ҳамда Екатеринбург шаҳарларига жўнаб кетди. Ҳозирда хорижда вақтинча меҳнат қилаётган фуқаролар билан учрашувлар ташкил қилиниб, муаммолари ҳал этиляпти.

Элбек ҚЎҚОНОВ,
Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги вилоят филиали етакчи мутахассиси.

Хотира уйғонса гўзал

Илм-маърифатни ҳаётининг энг асосий мазмуни деб билган инсонлар бор экан, сир-синоатларга бой бу олам янгидан кашф қилинаверади, техника-технология равнақ топаверади. Шундай олимларимиз, устозларимиз борки, уларнинг илм-фанга қўшган юксак ҳиссаси учун авлодлар бутун умр таъзим қилса арзийди. Ал-Хоразми, Беруний, Мирзо Улуғбек каби буюк аждодларимизнинг муносиб давомчиси, етук олимларимиздан бири, устоз Тимурбек Усманов эди.

БУЮК АЛЛОМАЛАРГА МУНОСИБ ИЗДОШ

Ўзбекистонда физика фани ривожига муносиб ҳисса қўшган физика-математика фанлари доктори, академик Тимурбек Бекмуродович Усманов ҳаёт бўлганда шу кунларда 80 ёшни қарши олган бўларди.

Бутун илмий фаолиятини ночизиқли-оптик ўзгартиргичларнинг янги авлоди назариясини яратишнинг долзарб муаммолари тадқиқига бағишлаган олим 1942 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1967 йилда М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг физика факультетини, 1972 йилда эса аспирантурасини тугатган. Ўзбекистон Фанлар академияси Ядро физикаси институтида, Электроника институтида, "Академасбоб" илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида, 2006-2021 йилларда эса Фанлар академиясининг Ион-плазма ва лазер технологиялари институтида ночизиқли оптика ва лазер физикаси соҳаларида дунё миқёсида тан олинган илмий тадқиқотларга бош бўлди. Ўзбекистонда қувватли лазерлар, жумладан, ночизиқли-оптика марказида асос солди.

Тимурбек Усмановнинг дунёга машҳур физик олимлар, академик Р.Хохлов ва С.Ахманов билан ҳамкорликда амалга оширган энг нозик ва мураккаб янги экспериментлари физика фанининг янада тараққий этишига катта туртки бўлди. Ўш олим қисқа муддатда Электроника институти (ҳозирги Ион-плазма ва лазер технологиялари институти) базасида замонавий талабларга жавоб берадиган асбоб-ускуналар билан жиҳозланган "Лазер нурланганнинг моддалар билан ўзаро таъсирлашуви" илмий лабораториясини ташкил этди ва ўз атрофида иқтидорли ёшларни тўплади. Ушбу лабораторияда ўтказилган экспериментлар ва уларнинг илмий натижалари москвалик ва виленослик физиклар томонидан олинган илмий натижаларнинг бойишига олиб келди.

Олим раҳбарлигида нафақат Ўзбекистонда, балки дунёда биринчи марта кўпқаскадли кенгапертурали лазерлар яратилди. Физиканинг ушбу тармоғи бўйича дунё миқёсида эътироф этилган, фанда янгилик бўлган ишлар амалга оширилди.

Тимурбек Усмановнинг москвалик ва виленослик физиклар билан ҳаммуаллифликда тақдим этилган "Юқори самарали ночизиқли-оптик ўзгартиргичларнинг янги авлоди назариясини яратиш ва ишлаб чиқиш" мавзусидаги илмий иши

1984 йилда физика соҳасида СССР давлат муқофотига лойиқ, деб топилган.

Т.Усманов

1993-2006 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат кўмитаси раисининг ўринбосари ва Эксперт кенгаши раиси лавозимларида самарали фаолият юритди. Айнан шу даврда нафақат ЎФА илмий тадқиқот институти, шунингдек, олий таълим муассасаларида илмий тадқиқот ишлари грант тизими асосида олиб борилиши йўлга қўйилди. Лойиҳаларнинг муваффақ ва нуфузли экспертлар томонидан ҳолисона баҳолашни маълумоти билан жамоатчилиги ичиде соғлом раёбат муҳитини шакллантирди. Бу ҳолат минтақаларда ҳам илм-фаннинг ривожланишига кенг йўл очди.

Т.Усмановнинг Самарқанд давлат университети билан дўстона муносабатини академик Акбар Отаҳўжаевнинг университетда ректорлик давридан, кейинчалик эса мустақилликнинг дастлабки йилларида университет базасида оптика ва лазер физикаси бўйича диссертация химоялари бўйича ихтисослашган Илмий кенгашнинг фаолият юритиши билан боғлаш мумкин. Олим СамДУга Ўзбекистоннинг биринчи университети, Мирзо Улуғбек мадрасасининг вориси сифатида қарар, физика факультетида ўқитилган орасидан 10 нафари академик бўлганлигини ҳар доим эътироф этарди. 1995-2005 йилларда университетимизда илмий грантлар сони ва ҳажмининг ортишига бевосита амалий ва услубий ёрдамлар кўрсатди.

Т.Усмановнинг бевосита раҳбарлигида 20 дан ортиқ фан доктори ва номзодлари тайёрланди. Устознинг Р.Ганев, И.Кулагин, У.Сапаев, Г.Болтаев каби шоғирлари унинг ишини муносиб давом эттирмоқда.

Тимур Усманов физика илмида ўзининг академиясини яратган олимлардан бири бўлди. Унинг бу борадаги илмий изланишлари ҳамон физика фани тараққиётига хизмат қилмоқда.

Мўмин ҚОДИРОВ,
Ҳаким ХУШВАҚТОВ.



СУВНИ КЕЛАЖАГИМИЗ УЧУН ҲАМ АСРАБ-АВАЙЛАЙЛИК

Долзарб масала

Сайёрамизнинг 70 фоизидан ортиғи сув билан қопланган бўлса-да, шундан бор-йўғи 2,5 фоизи ичишга яроқли. Шу сабаб ер юзи аҳолисининг 40 фоизи тоза ичимлик суви етишмаслигидан азият чекади, 5 миллион нафари эса ичишга яроқсиз сув манбаларидан фойдаланиб келади.



Чучук сув етишмовчилиги муаммоси бизга ҳам бегона эмас. Сув танқислик даражаси юқори бўлган мамлакатлар рўйхатида Ўзбекистон 25-ўринда. Сўнгги 10 йилда сув захираларимиз 15 фоизга камайган бир вақтда сув ресурсларини тежаш, асраб-авайлаш, ундан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишдек муҳим масала турибди. Шубҳасиз, бу борада мамлакатимизда сўнгги йилларда катта ишлар амалга оширилган бўлса-да, уларни етарли дېб бўлмайди.

Яқинда Президентимиз томонидан ҳудудларда ичимлик суви таъминотини яхшилаш масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда қатор вазифалар белгиланиб, мутаассадиларга аниқ топшириқлар берилди. Унда ўтган йилларда соҳага 5 баравар кўп маблағ ажратилиб, 6,5 миллион аҳоли марказлашган ичимлик суви билан таъминланганлиги таъкидланганди.

Табиийки, ушбу масалаларнинг устувор қўйилиши бежиз эмас. Қолаверса, кейинги йилларда юртимиз аҳолисининг ортиб бориши, экологик маданият даражасининг ўсиши ҳам сувга бўлган эҳтиёжини оширмоқда. Қишлоқ ва халқ ҳўжалигининг барча тармоқлари, жумладан, аҳолини арзон ҳамда сифатли

озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда ҳам чучук сувга эҳтиёж сезамиз.

Бирок ҳали-ҳануз табиатнинг бебаҳо неъматига нисбатан эътиборсизлик, уни пала-партиш сарфлаш, ифлослантириш ёки тоза ичимлик суви билан транпорт воситаларини ювиш, жўмрақларни очик қолдириб, сув исрофига йўл қўйиш ҳолатлари учраб туриши ачинарли бир ҳол.

Табиий ёки сунъий сув ҳавзалари, сой, анҳор, арик, зовур ва бўлоқларга чиқинди ташланиши оқибатида санитар-гигиеник талаблар қўпол равишда бузилаётганлиги жиддий эътирозларга сабаб бўлмоқда. Албатта, халқимизнинг соғлом ҳаёт кечириши тоза ичимлик суви билан бевосита боғлиқ. Айрим ҳудудлардаги ичимлик суви таркибида инсон ҳаёти учун зарарли бўлган моддалар етиштирилаётган сабзавот, мева, тухум, гўшт ва судда ҳам борлиги аниқланган. Бунга аҳолининг аксарият қисми қўл насоси билан тортиб олинмаган ер ости сувларини истеъмол қилаётгани ҳам сабаб бўлмоқда. Улар сувни кум, турли хил чиқинди қоқидларидан тозаласа-да, унинг таркибидеги оғир металллардан тозалай олмайди. Бунинг учун сув филтрларидан фойдала-

Қандай белгилар фирма номида кўрсатилиши мумкин эмас?

Тадбиркорлик билан шуғулланмоқчиман. Фирмамга барчага таниш номлардан бирини қўймоқчи эдим. Аммо бу мумкин эмаслигини айтишди. Қонунчиликда бу борада бирор чеклов борми? Д.РАИМҚУЛОВ, Паст Дарғом тумани.

Ўзбекистон Республикасининг «Фирма номлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, фирма номида: - давлатнинг расмий номи, халқаро, ҳўкуматлараро ёки нодавлат нотижорат ташкилотининг қисқартирилган ёки тўлиқ номи; - тарихий ёки Ўзбекистон Республикасида машҳур бўлган шахснинг тўлиқ ёки қисқарти-

кўрсатилмаслиги керак. Шунингдек, фирма номида: - илгари Ўзбекистон Республикасида бошқа юридик шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказиш сўраб талабнома берилган, илгарироқ устуворликка эга бўлган фирма номлари; - илгари Ўзбекистон Республикасида бошқа шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказиш сўраб талабнома берилган, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилмай, муҳофаза қилинадиган товар

REKLAMA, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tekzor, samarali va hamyonbop / MUROJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

ДАЪВОЛАР БЎЛСА...

Булунгур туманидаги "SHAXRIYOR MURODULLAEVICH" масъулияти чекланган жамияти (СТІР: 309078204) ўз устав фондини 200 000 000 (икки юз миллион) сўмдан 200 000 (икки юз минг) сўмга камайтирмоқда. Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетда эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Булунгур тумани "Мингчинор" МФЙ.

Булунгур туманидаги "CHESS SAMARKAND" масъулияти чекланган жамияти (СТІР: 308210570) ўз устав фондини 100 000 000 (бир юз миллион) сўмдан 3 300 000 (уч миллион уч юз минг) сўмга камайтирмоқда. Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетда эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Булунгур тумани "Янгиобод" МФЙ.

Самарқанд шаҳридаги "SIYOB SAVDO INVEST" хусусий корхонаси (СТІР: 302979891) ўз ташкилий-ҳўқуқий шаклини "SIYOB SAVDO INVEST" масъулияти чекланган жамиятига ўзгартиради. "SIYOB SAVDO INVEST" масъулияти чекланган жамияти "SIYOB SAVDO INVEST" хусусий корхонасининг барча ҳўқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳўқуқий вориси ҳисобланади. Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетда эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураулово кўчаси, 15-уй.

Иштихон туманидаги "TADBIRKOR JAVOXIR XIZMATLARI" масъулияти чекланган жамияти (СТІР: 308925789) ўз устав фондини 14 534 000 (ўн тўрт миллион беш юз ўттиз тўрт минг) сўмдан 2 200 000 (икки миллион икки юз минг) сўмга камайтирмоқда. Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетда эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Иштихон тумани "Гофур Ғўлом" МФЙ, Ҳамза кўчаси, 7-уй.

Самарқанд шаҳридаги "MUXAMMAD DORISHUNOS" масъулияти чекланган жамияти (СТІР: 301055706) ўз устав фондини ўзгартирмоқда. Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетда эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд шаҳри Ибн Холдун кўчаси, 1-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳазратқулов Махмуд Муминкулович нотариал идорасида марҳум Исломов Воҳид Буруновичга (2021 йил 13 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан

меросхўрларнинг Ҳазратқулов Махмуд Муминкулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 36-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ходжаев Фаррух Фарҳодович нотариал идорасида марҳум Қудратова Мусавар Ибодовнага (2020 йил 10 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ходжаев Фаррух Фарҳодович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Чўқур йўл кўчаси, 9-«Б» уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Бобомуродов Пирмамат Исомидинович нотариал идорасида марҳум Хотамов Акрамга (2020 йил 26 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Бобомуродов Пирмамат Исомидинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 108-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Саидова Зарина Хисраровна нотариал идорасида марҳум Бахриев Тохир Толибовичга (2021 йил 5 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Саидова Зарина Хисраровна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 64-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Хайдарова Сорага (2020 йил 30 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Саидова Зарина Хисраровна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жўраев Камолиддин Мухиддинович нотариал идорасида марҳум Курбанов Акбарга (2002 йил 16 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолиддин Мухиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳазратқулов Махмуд

Муминкулович нотариал идорасида марҳум Норов Ихтиёр Махитовичга (2007 йил 14 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳазратқулов Махмуд Муминкулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 36-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳазратқулов Махмуд Муминкулович нотариал идорасида марҳум Мухаммадов Халават Бурановнага (2020 йил 25 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳазратқулов Махмуд Муминкулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 36-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жўраев Камолиддин Мухиддинович нотариал идорасида марҳум Фахриддинов Мунаввар Мухитдиновичга (2018 йил 25 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолиддин Мухиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Умаров Акмалжон Шавкатович нотариал идорасида марҳум Ибодуллаев Хикматулла Ибодуллаевичга (2020 йил 14 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Умаров Акмалжон Шавкатович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 17-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Умаров Акмалжон Шавкатович нотариал идорасида марҳум Маматқулов Муинджонга (2020 йил 4 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Умаров Акмалжон Шавкатович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 17-уй.

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Тоштемиров Алишер Пўлатович нотариал идорасида марҳум Шамсиев Ибрагим Нажимовичга (2013 йил 23 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан ме-

росхўрларнинг Тоштемиров Алишер Пўлатович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайариқ тумани Челақ шаҳарчаси, Обод кўчаси, 35-уй, 3-хона.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Мирзаева Барно Жўракуловна нотариал идорасида марҳум Картамышев Андрей Витальевичга (2006 йил 13 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мирзаева Барно Жўракуловна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани Тошкент кўчаси, туман Давлат хизматлари маркази биносиде.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ Самарқанд автомобил ва йўллар касб-хўнар коллежидан 2020 йилда Нормуродов Зуфар Зиядулла ўғли номига берилган рўйхат рақами 317, К № 5894812 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд педагогика ва хизмат кўрсатиш касб-хўнар коллежидан 2019 йилда Исроилов Улуғбек Эркинвич номига берилган К № 5559017 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд туманидаги 23-умий ўрта таълим мактабидан 2008 йилда Саифидинов Фозилжон Фахриддинович номига берилган У № 3128131 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Кўшработ туманидаги 68-умий ўрта таълим мактабидан 2000 йилда Рўзиева (ҳозирда Мавлонова) Гули Конкелдиевна номига берилган О`Р-А № 772648 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Оқдарё иқтисодий коллежидан 2015 йилда Омонов Хусан Эгамназар ўғли номига берилган К № 3825275 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Пайариқ туманидаги 24-умий ўрта таълим мактабидан 2006 йилда Мамадиёров Ихтияр Бахтиярович номига берилган У № 1910297 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Нарпай қишлоқ ҳўжалик коллежидан 2000 йилда Ганиев Улуғбек Иргашевич номига берилган рўйхат рақами 1430, КХТ № 026642 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги 67-умий ўрта таълим мактабидан 2009 йилда Раҳматов Салоҳиддин Шавкат ўғли номига берилган О`Р-SH № 0962249 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Паст Дарғом автомобиль ва йўллар касб-хўнар коллежидан 2019 йилда Абдурахимов Шавкат ўғли номига берилган О`Р-SH № 0962249 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ахборот технологиялари университетидан 2012 йилда Қўчқоров Самариддин Шойминович номига берилган рўйхат рақами 20, В № 045063 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тойлоқ туманидаги 29-сонли умумий ўрта таълим мактабидан 2019 йилда Маруфова Марғуба Жўрабек қизи номига берилган UM № 0159676 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Қўшработ туманидаги 78-умий ўрта таълим мактабидан 2017 йилда Тоштоват Жамоллидин Баҳодир ўғли номига берилган У № 7907638 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тойлоқ туманидаги 28-умий ўрта таълим мактабидан 2007 йилда Муродова Ғўлзада Аслоновна номига берилган У № 2544659 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 65-умий ўрта таълим мактабидан 2010 йилда Акрамов Суннат Азимович номига берилган У № 4246438 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтидан 1992 йилда Умаров Фарход Гапбарович номига берилган рўйхат рақами 8642, ФВ № 684937 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 29-ўрта мактабдан 1999 йилда Ачилов Фуқрат Шавкатович номига берилган О`Р-Е № 187359 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Пайариқ туманидаги 3-умий ўрта таълим мактабидан 2010 йилда Эсиргапова (ҳозирда Алиқуллова) Мафтуна Журакул қизи номига берилган О`Р-SH № 1060327 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд алломалари

Ислом оламида катта нуфузга эга бўлган имом, фақиҳ, калом илмининг мотуридийлик ақидавий мазҳаби асосчиси Имом Абу Мансур Мотуридий Самарқанднинг Мотурид қишлоғида таваллуд топган.

Ҳидоятга бошлаган ИМОМ

Абу Мансур Мотуридий ўзининг юксак илмий салоҳияти билан ислом дунёсида алоҳида эътиборга сазовордир. Аллома умри давомида исломнинг асл моҳиятини ҳамда унинг ўзгармас ақидавий таълимоти бузғунчи фикрларнинг турли ботил гоёлари ва даъволаридан ҳимоя қилиб келди.

Имом Абу Мансур Мотуридий дастлабки таълимни ўз қишлоғида олиб, кейинчалик Мовароуннахрнинг ўша даврдаги диний ва маърифий маркази бўлган Самарқандда давом эттирди. Устозлари ўз даврининг таниқли олимлари Абу Наср Иёзий, Абу Бакр Аҳмад Жузжоний бўлган.

Имом Мотуридий ашаган давр ислом оламида ўзгаришлар авж олган, айниқса, турли фикрлар томонидан ақидавий бузилишлар юзага келган пайтга тўғри келди. Шундай шароитда у ахли сунна ва жамоа йўналишидаги асосий ҳимоя қилиб чиқди.

Имом Мотуридийнинг ислом оламида жуда нозик ҳисобланган, бизнинг давримизга гача етиб келган "Китоб ут-тавҳид" асари 1970 йилда Фатхуллоҳ Хулайф томонидан Байрутда нашр этилган.

Равшан ЭЛМУРОДОВ, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази катта илмий ходими.



ҳолда иш кўради. Мазкур асарнинг илмий ва амалий аҳамияти жуда катта бўлиб, у ахли сунна улаомлари томонидан Қуръони каримни шарҳлаш (таъвил) бўйича қилинган дастлабки жиддий уриниш ҳисобланади.

Аллома умри давомида фақиҳлар, муҳаддислар билан мулоқотда бўлган ва мунозаралар олиб борган. У ислом динининг ханафий мазҳабини Мовароуннахрда тарқатиш ва ўзидан кейинги авлодларга қурсусиз етказиш ишига катта ҳисса қўшди.

Имом Мотуридий ўз замонасидаёқ "Имомул ҳуда", яъни ҳидоятга бошловчи имом номига сазовор бўлган. Мотуридий таълимоти батафсил ўрганган ва бу таълимотнинг моҳиятини чуқур билган Абул Муин Насафий, Абу Ҳафс Насафий каби олимлар Мотуридий таълимоти ривожлантириш орқали бу мактабни давом эттирдилар.

Имом Мотуридийнинг қаламига мансуб асарларнинг сони ўн бештага етиб қолади. Тарихий манбаларда унинг қўллаб асарлари ҳақида маълумотлар етиб келган. Уларда таъкидланишича, у йўналиш-калом, тафсири ва фикр бўйича асарлар ёзган.

Имом Мотуридийнинг илмий мероси ислом оламида аввал ҳам, ҳозирги кунда ҳам аҳамиятли бўлиб, илмий тадқиқотчилар томонидан ўрганилмоқда.

Соҳибқирон Амир Темури ва темурийлар тарихи қадим Самарқанд тарихининг энг муҳим қисмидир. Шу сабабдан темурийлардан бизгача етиб келган меросни асраб-авайлаш билан бирга, уни ўрганиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Яқинда Амир Темури мақбарасининг шарқий томонидаги хилхонадаги қабр ўрганилди. Қабр-тошнинг юза қисмига сулс хати билан турли муаллифларнинг қаламига мансуб мисралар битилган.

Қабртошнинг чап ва оёқ томонида "Буюк султон, подшоҳ, оламлар салтанатининг соҳиб бўлмиш ҳокон, подшоҳлар султони Амир Темури Кўрагоннинг (Аллоҳ таоло уни фидаис жаннатларига дохил қилсин) сулоласидан бўлмиш амирзода Муҳаммад Султон(нинг катта ўғли), тож ва тахт соҳиб амирзода Жаҳонгир", деган ёзув битилган.

9 апрель – Амир Темури таваллуд топган кун Темурийлар сулоласида исмлар такрорланиб турган хилхонадаги битиклар шундан дарак беради



Ушбу қабртош Амир Темурнинг суюкли набираси Муҳаммад Султоннинг катта ўғли Муҳаммад Жаҳонгирнинг қабридир. Маълумки, Амир Темур сулоласида темурийлар исмлари такрорланиб туради.

Ушбу қабртош Амир Темурнинг суюкли набираси Муҳаммад Султоннинг катта ўғли Муҳаммад Жаҳонгирнинг қабридир. Маълумки, Амир Темур сулоласида темурийлар исмлари такрорланиб туради.

валиаҳд ҳисобланмиш Муҳаммад Султон Мирзонинг тўнғич ўғли, 9 ёшли шахзода Муҳаммад Жаҳонгир Мирзони хон қилиб кўтарди ва ўзи оталик мансабига бўлади.

1409 йилда Халил Султон Мирзо вафотидан сўнг Шохрух Мирзо Самарқанд тахтига ўғли Улуғбек Мирзони ўтказди. Муҳаммад Жаҳонгир Мирзога Ҳисор ҳокимлигини беради ва у ҳали ёш бўлганлиги сабаб, амир Ҳамза Сулдузни отабек қилиб тайинлайди.

1413 йил Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо Шохрух Мирзонинг қизи Марям Султонбегимга ўйланади. У умрининг охиригача Ҳисорда ҳукмронлик қилиб, 1433 йилда 38 ёшида вафот этади.

Кўрфияптики, хилхонадаги биргина қабртошда мавжуд битиклар бизга темурийлар тарихининг муҳим жиҳатларини очиб берапти. Энди олдимизда турган вазиқалар хилхонадаги бошқа қабртошларни ҳам ўрганиш ва ундаги битикларни тадқиқ қилишдир.

Хушнуд АБДУЛЛАЕВ, Амир Темур мақбараси директори.

Ўқийш Пули - Advertisement for a book or publication, featuring a stylized title and decorative elements.

Хоразмдан ёзишларича...

Инкор этасизми? Шошилманг. Жамики фалсафий таълимотларга сунган ҳолда уни бус-бутун ижтимоий вужуд, дейишга асосимиз бор.

Жамият ҳам бир вужуд

Чорак асрнинг нари-берисиде ўзлимизни хар томонлама англашга, маънавий тикланишга, тилимиз, урф-одатларимиз, тарихий хотираларимиз, маданий меросимиз, хуллас, бетакрор миллий қиёфамиз билан жаҳонга танилдик.



сан, раҳбарнинг тақдири билан белгиланмайди-ку?!

Биламизки, шахснинг маънавий қиёфасини кўрсатадиган қўллаб мезонлар бор. Масалан, ўзимизга, оиламизга, атрофда содир бўлаётган воқеаларга нисбатан қарашларимиз, улар суви табиби қиёфасини кўрсатадиган чумолига "Сен ташиган сув олони ўчиришга етармиди?"

Бугун ижтимоий тармоқларда кундан-кунга давлат ва давлат раҳбарларидан норозиликлар билан тўлиб-тошган элдошларимизнинг намойишкорона чиқишларини кўриб, гоҳ ачинсак, гоҳ хижолатдан бошимизни эгамиз.

Ўзлимизни англаб, қаергача етиб келдик ўзи?! Жангҳоқларда Ватанга хиёнат қилган аскарларнинг тақдири нима кечгани тарихдан маълум. Назаримда бугун бундай ҳолатдаги хатти-ҳаракатларимизни чин маънода Ватанга хиёнат қилиш, деб баҳолагим келяпти.

Мухаббат САФОЕВА, Хоразм вилояти "Хонқа ҳаёти" газетаси бош муҳаррири.

Янги китоб

Самарқанд давлат университети профессори, жаҳон физиологлари жамияти академиги, қўллаб олимларнинг устози Бақридин Зариповнинг учта китоби яқинда пойтахтимиздаги "Замин нашр" нашриётида чоп этилди.

"ТАФАККУР ВА ТАРАҚҚИЁТ ҚУЁШИ"

"Тафаккур ва тараққиёт қуёши" деб номланган рисолада муаллиф муқаддас динимиз ва халқимиз тарихий анъаналари, урф-одатларидagi қомилликка интилиш гоёларидан келиб чиққан ҳолда маърифатнинг, хусусан, китоб ўқишнинг моҳияти хусусида тадқиқотларига асосланган хулосаларини беради.

дан етишиб чиқаётган ёш ва номдор шахмат усталарининг ютуқларидан фахр ҳисини баён этади. Олимнинг М.Раҳматов билан ҳаммуаллифлигида ёзилган, Конфуций ҳикматлари ўрин олган яна бир китоби "Билимсизлик - инсоният учун энг қоронғи тундир" китоби ҳам илм тарғиботи ҳақида.

Файласуф Конфуций билан имсизликни энг қоронғи тунга ўшатган эди. Хўш, бундай иллатга қарши қандай кураш олиб бориш мумкин, унинг аниқ, синалган йўли борми? Китоб муаллифлари ушбу саволларга жавоб излайди, ўқувчи бу борада ўз хулосаларини беради.

Ушбу китоблар мазмунан бир-бирини тўлдириб, инсоннинг азалий орузси - бахтли бўлиш, тўқис ҳаёт кечириб ва фаровон яшашнинг моҳияти ҳақида жўяли хулосалар беради.

"Самарқанд тасвирий ва амалий санъати" китоб-альбоми нашр этилди



Ўзбекистон бадий ижодкорлар уюшмаси Самарқанд вилояти бўлими раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Нуриддин Калоновнинг айтишича, самарқандлик рассом ва амалий санъат усталари ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи сўнги китоб-альбом 1992 йилда рус тилида нашр этилган.

Ўзбекистон бадий ижодкорлар уюшмаси Самарқанд вилояти бўлимида мазкур китоб-альбомнинг тақдими ўтказилди. Самарқандлик ижодкорлар, рассом ва усталар, ҳайкалтарошлар, ёшлар иштирок этган тадбирда мазкур китобнинг яратилиши ҳақида сўз юритилди.

ҳайкалтарошлик ва амалий санъат бўйича 47 нафар самарқандлик ижодкор ва уларнинг асарлари ҳақида маълумотлар жамланди. Китоб-альбом вилоят ҳокими Э.Турдимов ва Ўзбекистон Бадий академияси раиси Акмал Нурнинг кириш сўзлари билан бошланган.

Ўзбекистон бадий ижодкорлар уюшмаси Самарқанд вилояти бўлимида мазкур китоб-альбомнинг тақдими ўтказилди.

Самарқандлик ижодкорлар, рассом ва усталар, ҳайкалтарошлар, ёшлар иштирок этган тадбирда мазкур китобнинг яратилиши ҳақида сўз юритилди.

Тақдимида қатнашган вилоят ҳокими ўринбосари Р.Қобилов вилоятда тасвирий ва амалий санъат билан шуғулланаётган ижодкорлар қўлиги, уларни қўллаб-қувватлаш ва асарларини кенг тарғиб этиш мақсадида ушбу китоб-альбомнинг иккинчи нашрини тайёрлашни, шунингдек, самарқандлик ёш рассомларнинг ҳам шу каби каталогини яратиш таклифини билдирди.

Тадбир доирасида Самарқанд бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоларининг ижодий асарлари кўргазмаси ва "Бадий салон" очилди.

Advertisement for Zarafshon newspaper, including contact information and a QR code.

Advertisement for Matbuot Uy (Print House) with contact details for various services.

Advertisement for Zarafshon newspaper, providing contact information and a QR code.

Advertisement for Zarafshon newspaper, including ISSN information and a QR code.